

Мамлакатимизда илмий, адабий ҳаёт ҳам бошланмок арафасидадир.

Хар канча таклидий ва асоси яхши қурулмагон бўлса ҳам, истикболга умид боғлайтургон холлар кўринадир. Зотан, бунисизда мумкин эмасдир.

Бир кунмас бир кун албатта илмий ҳаётга кирмак мажбурияти бордир. Чунки хар бир мамлакат хар бир миллатнинг ўз маданий ҳаётини қурмок учун аввалан илм майдонига ташланиши, сўнгра шу илмий ҳаёт билан яшаши керакдир. Йўкса, у халқнинг тарих саҳифасидан йўқолиши аниқдир.

Бу кун биз, ўз мамлакатимизга яраша, баъзи бир илмий-адабий вазифалар каршисида турамыз. Ўз мамлакатимизга яраша дедик. Чунки агар бошқа маданий миллатларни орага кўшсак, хали бизда кўб-кўб қилинадургон ишлар бордир. Факат бу кун на куч, на васоит бўлмагонидан улардан сўз очиш ҳам ортиқчадир. Оз бўлса ҳам муаллимларимиз, бир нечагина бўлса ҳам илмий-адабий соҳада ишлаб юрганларимиз бор. Шу кучимиз билан албатта оз-моз ишлаш мумкиндир. Бу кунги вазифамиз шу мумкинларни вужудга келтирмакдир.

Марказда илмий ҳаётимиз бор. У кўлидан келатурган кадар ишламакдадир. Албатта, ул ўз йўли билан устига олгон вазифаларини бажариб турар. Бунга биз ишонамыз.

Факат бизда ундан ташқари баъзи қилинадургон ишлар бор. Ўз мамлакатидан хабарсиз яшайтургон бир миллат дунёда йўқдир.

Хозиргача на бир Туркистон тарихи бор, на жўгрофиямиз! Табиий, бизда муаррихлар ва жўгрофия олимлари йўқ. Хеч бўлмаса, мутаржимларимиз ҳам йўқмиким, бошқа тилларда бўлгон, Туркистон ҳақида ёзилгон нарсаларни ўзгартирсинлар. Талабамиз, муаллимимиз, халқимиз кўбчилик эътибори билан ўз мамлакатини танитмокдир. Чунки кўлида васоит бўлмагонидан таниёлмасликка мажбурдир.

Бу бизнинг илмий вазифаларимиздан бирисидир.

Мактабларимизда юрт билан танишмок дарслари, юкорирок даражаларда жўгрофия билан иктисод ва иктисодга тегишлик дарслар бор. Факат буларнинг хеч бириси хеч бир мактабда тузук берилмайдир. Чунки муаллимнинг кўлида тутатургон бир нарсаси йўқдир. Мамлакатимизнинг иктисодий тириклиги, илгариги, хозирги холи бизга мажхулдир. Қандай бойликларимиз бор, хозир қандай ишламакдадир. Мамлакатнинг мадохил-махорижи (сарф-харажати - Б.К.) қандайдир? Қандай вазифалар олдида турамыз? Бу халигача «иктисодий асос» деб кичкиратурган кишиларимизнинг билмайтургон энг бошлангич мавзуларидан биридир.

Иктисодчиларимизнинг вазифалари мана бу масалалар ҳақида авомий (популярный) нарсалар босдириб таркатишдир.

Туркистон тарихининг энг бой бир саҳифасини очатургон адабий кишиларимиз ҳам биздан анча ишлар кутади.

Бир неча йилдан бери адабиёт отида бир-икки шеър мажмуасидан бошқа нима чикди? Бу билан адабий ишларимиз тузук борадир, дейиш мумкинми? Албатта йўқ.

Навоий турк адабиётининг отасидир. Навоий адабиёт дунёсида жуда катта хизматлар қилгон бир кишидир.

Навоий турк тилининг отасидир.

Навоий буюк адиб, буюк шоир, буюк дохийдир.

Факат қани биз уни таниймизми? Унинг хизматларини биламизми?! Унинг ким эканидан хабаримиз борми?! Халигача унинг таржимаи холини босдирмадик. Бир расмини чизиб

чикаргон бўлсак ҳам аслига унча мувофик эмасдир.

Бухоронинг очилиши билан Навоий даври учун энг мухим восикалар бизга очилгондир. Энг мухим кишиларнинг мухим асарлари, кўлёмалари хатто Навоийнинг ўз кўли билан ёзгон мактублари бор. Уларнинг расмларини олмок, таржимаи холларига қўшмок, ўшал даврга оид тафтишларга киришмак керакдир.

Бундан бошка хар замонда хар ерда етишган адиб ва шоирларни майдонга отмок керак. Буларнинг орасида адабиёт тарихи учун энг мухим ўрун тутатургонлари бордир. Биз бу кун кўлимиздан келатурган кадар килайлик, секин-секин тугаллаш замонанинг ишидир. Бу ишларни, бу ташаббусларни килиш учун илмий муассаса ва ташкилотларимизнинг тиришмоги керакдир.

Илмий хаётимизнинг йўлбошчилик килиши, нашри маориф ва маориф бюроларининг кучларини сарф этишлари зарурдир. Шу ишлар оркали биз илмий хаётга кирган бўлурмиз.

Бу макола «Зарафшон» газетасининг 1924 йил 21 июн сонида босилган.